

## Ўзбекистон Республикаси номидан ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2020 йил 7 май куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди ўзининг суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи - фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси Э.К.Сабиров, судья ёрдамчиси М.Йўлдашевнинг котиблигида, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлига нисбатан «Бола уч ёшга тўлгунча хотинга моддий таъминот ундириш ҳақида»ги даъвоси бўйича кўзғатилган 2-1601-2004/1677-сонли фуқаролик ишени кўриб чиқиб, қўйидагилар

### А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизи 02.03.2020 йилда жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлига нисбатан «Бола уч ёшга тўлгунча хотинга моддий таъминот ундириш ҳақида»ги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизи даъвосини қувватлаб, жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғли билан 23.10.2018 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришганлигини, биргаликдаги турмуши давомида 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли исмли бир нафар фарзандли бўлишганлигини, жавобгар билан ўзаро келишмовчилик оқибатида 2020 йил январ ойидан буён алоҳида-алоҳида яшаб келишаётганлигини, фарзанди Эргашев Адҳамжон Аҳмад ўғлини ёши кичик бўлганлиги учун ишлай олмаётганлигини, жавобгарни моддий таъминот бермаётганлигини билдириб, шу фарзанди уч ёшга тўлгунча жавобгардан ҳар ойда моддий таъминот ундиришни сўраган.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғли даъвогарнинг даъвосини тан олмасдан, даъвогар билан 23.10.2018 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришганлигини, биргаликдаги турмуши давомида 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли исмли бир нафар фарзандли бўлишганлигини, жавобгар билан ўзаро келишмовчилик оқибатида 2020 йил январ ойидан буён алоҳида-алоҳида яшаб келишаётганлигини, лекин даъвогар билан оилани тиклаб яшашни имкони борлигини, уни ажрашиш нияти йўқлигини, моддий таъминот тўлашга имкони йўқлигини билдириб, тушунтириш берган.

Суд, тарафларнинг тушунтиришлари ва ишдаги мавжуд ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қўйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг Оила кодексининг 117-моддасида “Эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.”-деб кўрсатилган.



Суддаги аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 23.10.2018 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган. Турмуш давомида 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли исмли бир нафар фарзандлари туғилган. Ўзаро келишмовчилик оқибатида тарафлар 2020 йил январ ойидан буён алоҳида-алоҳида яшаб келишмоқда. 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли ёши кичик бўлганлиги учун даъвогар ишлай олмаяпти ва шу фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар жавобгардан моддий таъминот ундиришни сўраган. Жавобгар моддий имкониятидан келиб чиққан ҳолда моддий таъминот тўлашга розилигини маълум қилган.

Юқоридагиларга кўра, суд тарафларнинг тушунтиришлари ва иш хужжатлари билан танишиб чиқиб, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлига нисбатан «Бола уч ёшга тўлгунча хотинга моддий таъминот ундириш ҳақида»ги даъвосини қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 02.03.2020 йилдан бошлаб фарзанди 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли уч ёшга тулгунга қадарли ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 фоизи миқдоридаги моддий таъминот ҳамда жавобгардан давлат фойдасига 223.000 сўм давлат божини ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига қўлланиб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлига нисбатан «Бола уч ёшга тўлгунча хотинга моддий таъминот ундириш ҳақида»ги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлидан даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизи фойдасига 22.08.2019 йил куни туғилган Умаров Нурмуҳаммад Умарбек ўғли исмли фарзанди уч ёшга тўлгунга қадарли меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 фоизи миқдоридаги моддий таъминот 02.03.2020 йилдан бошлаб ундирилсин.

Ҳал қилув қарорини моддий таъминот ундириш қисми дарҳол ижрога қаратилсин.

Жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўғлидан давлат фойдасига 223.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида, олти ой муддат ичида эса кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

**имзо**

**Э.К.Сабилов**

**Аслига тўғри**

**Раислик қилувчи:**

**Э.К.Сабилов**



## **СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ**

2020 йил март ойининг 18 куні фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўзининг биносида бўлиб, судья М.У.Сидикованинг раислигида, Д.Тиллабаеванинг котиблигида, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўзлига нисбатан бола уч ёшига тўлгунига қадар ўзига моддий таъминот ундириш ҳақидаги фуқаролик иши кўрилди.

*Раислик этувчи суд мажлисини очиб кўриладиган ишни эълон қилди.*

*Суд мажлиси котиби тарафларни келмаганлигини маълум қилди.*

*Раислик этувчи ўз ўрнида ажрим қилди.*

*Раислик этувчи маслахатхонга кирди маслахатхонадан қайтгач иш юртишини тўхтатиш ҳақидаги ажримни ўқиб эшиттирди.*

*Раислик этувчи:*

*Суд мажлиси котиби:*



## **СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ**

2020 йил май ойининг 4 куні фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўзининг биносида бўлиб, судья Э.К.Сабировнинг раислигида, М.Йўлдашеванинг котиблигида, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўзига нисбатан бола уч ёшга тўлгунига қадар ўзига моддий таъминот ундириш ҳақидаги фуқаролик иши кўрилди.

*Раислик этувчи суд мажлисини очиб кўриладиган ишни эълон қилди.*

*Суд мажлиси котиби тарафларни келмаганлигини маълум қилди.*

*Раислик этувчи ўз ўрнида ажрим қилди.*

*Раислик этувчи маслахатхонга кирди маслахатхонадан қайтгач иш юритишни тиклаш ҳақидаги ажримни ўқиб эшиттирди ва суд мажлисини 07.05.2020 йил куні соат 9 30га суд биносига тайинлади..*

*Раислик этувчи:*

*Суд мажлиси котиби:*



## СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2020 йил май ойининг 7 куні фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг очик суд мажлиси ўзининг биносида бўлиб, судья Э.К.Сабировнинг раислигида, М.Йўлдашеванинг котиблигида, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизининг жавобгар Умаров Умарбек Мураббӣ ўзлига нисбатан бола уч ёшга тўлғунига қадар ўзига моддий таъминот ундириш ҳақидаги фуқаролик иши кўрилди.

Раислик этувчи суд мажлисини очиб кўриладиган ишни эълон қилди.

Суд мажлиси котиби тарафларни хозирлигини маълум қилди.

Раислик этувчи тарафларни шахсини аниқлади.

**Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизи** 05.06.1996-йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Наманган шаҳар, 5-берк У.Камалов кўчаси, 4- уйда яшайди. Паспорт рақами АВ 6122801 03.03.2017 йилда Наманган шаҳар ИИБ томонидан берилган.

**Шахси бўйича саволлар бўлмади.**

**Жавобгар Умаров Умарбек Мураббӣ ўзли** 06.07.1996 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Наманган шаҳар, 6 берк 5- Гулистон кўчаси 6 уйда яшайди. Паспорт серия рақами АА0739233 28.01.2013 йилда Наманган шаҳар ИИБ томонидан берилган.

**Шахси бўйича саволлар бўлмади.**

Раислик этувчи суднинг таркибини эълон қилди ва рад қилиш ҳуқуқларини тушунтирди.

Суд таркибига рад қилишлар бўлмади.

Раислик этувчи тарафларга Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 40, 44-моддасида кўрсатилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириди.

Тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига тушунганликларини билдирдилар ва эътирозлар бўлмади.

Раислик этувчи томонидан суд муҳокамаси бошланганлиги маълум қилиниб, иш бўйича раислик қилувчининг маърузаси тингланди.

Маъруза бўйича саволлар бўлмади.

Сўнгра раислик қилувчи аризачидан ўз талабларини қувватлашиш-қувватламаслигини, жавобгардан талабларни тан олиш-олмаслигини ва ишни келишув битим билан тамомлашни исташ-истамасликларини сўради.

**Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизи тушунтириши:**

Даъво аризамни қўллаб қувватлайман, менимча ишни келишув битими билан яқунлаш имкони мавжуд эмас.

**Жавобгар Умаров Умарбек Мураббӣ ўзли тушунтириши**

Даъво аризани қисман қувватлайман, ишни келишув битими билан яқунлашни имкони мавжуд эмас.

Раислик этувчи тарафларнинг тушунтиришларини тинглашни эълон қилиб, тарафлардан суд мажлиси тартибини бузмасликни тушунтириб, даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизига сўз берди.

**Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизини тушунтириши:-**



Мен жавобгар билан 23.10.2018 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қўрганмиз, биргаликдаги турмушимиздан бир нафар фарзандлик бўлганмиз, ўзаро келишмовчилик сабабли бирга яшамаётганмиз, ҳозирда фарзандим билан ота-онамнинг қарамогида яшаб келмоқдамиз, ўзим ҳеч қаерда ишламаётганман, шу сабабли моддий томондан қийналяпман, Сиздан жавобгардан ўзимнинг фойдамга ўз таъминотим учун ҳар ойда қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириб бориб бериш ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқариб беришингизни сўрайман.

**Раислик этувчи саволига.**

- Жавобгар билан ҳозирда бирга яшамаймиз.
- Жавобгар ихтиёрий равишта моддий томондан ёрдам бермаганлиги сабабли судга мурожат қилишга мажбур бўлдим.

**Бошқа саволлар бўлмади.**

**Жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўглини тушунтириши:-**

Хурматли раислик этувчи ҳақиқатдан даъвогар билан 23.10.2018 йилда никоҳдан ўтиб турмуш қўрганмиз, биргаликдаги турмушимиздан бир нафар фарзандимиз бор, ўзаро келишмовчиликлар сабабли бирга яшамаймиз, мени оилани тиклаш ниятим бор, даъвогар учун моддий таъминот тўлашга қарши эмасман.

**Раислик этувчи саволига**

- ўзаро келишмовчиликлар сабабали бирга яшамаймиз.
- Даъвогар ота-онасини уйига кетганидан сўнг судга ариза берибди.
- Моддий таъминот тўлашдан бўйин товламайман.

**Бошқа саволлар бўлмади.**

Раислик этувчи ишдаги барча ҳужжатларни ўқиб эшиттирди ва тарафлардан иш материалларни бирор тарзда тўлдириши истаги бор-йўқлигини сўради.

Қўшимча ва илтимослар бўлмади.

Суд иш ҳужжатларини тафтишига ўтди.

-даъво ариза

-бож тўлаганлик ҳақида патта

-тарфларни шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (паспорт нусхалари, яшаи жойидан маълумотнома)

-никоҳ гувоҳномаси ва фарзандларини тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномааси

-МФЙ далолатномаси

Раислик этувчи суд муҳокамасини яқунлаб, суд музокарасига ўтишини билдирди.

Эътирозлар бўлмади.

**Даъвогар Содикова Мафтуна Васлиддин қизини музокараси:-**

Хурматли раислик этувчи! Сиздан даъво аризамни қаноатлантириб беришингизни сўрайман.

**Жавобгар Умаров Умарбек Мурабби ўглини музокараси:-**

Хурматли раислик этувчи! даъвогарни даъво аризасини рад қилинган.

Раислик этувчи музокараларни тинглаб маслаҳат хонага кирди, маслаҳат хонадан қайтгач, раислик этувчи ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттирди ва қарорни мазмунини тушунтириб, суд мажлиси баённомаси



билан танишиш, ҳал қилув қарорини устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини тушунтириди.

***Раислик этувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.***

***Раислик этувчи:***

***Э.К.Сабиров***

***Суд мажлиси котиби:***

***М.Йўлдашева***



## Маъсул судья: Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич



Хужжат имзоланган: Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич, 07.05.2020

